

Минбарлар чавандози Абдулҳамид Кишк



11:00 / 26.08.2022 2125

(иккинчи мақола)

Абдулҳамид Кишк ваъзларида Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳақларида кўп гапирар эди. Бу ҳақда ундан: «Нима учун сиз Умар ибн Хаттоб ҳақларида кўп гапирасиз» деб сўрашганда, Абдулҳамид Кешкий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумонинг «Умарни кўп зикр қилинглари. Агар уни зикр қилсангиз, адолатни зикр қилган бўласиз. Агар адолатни зикр қилсангиз, Аллоҳ таолони зикр қилган бўласиз. Зеро, Аллоҳ Муқсит, Ҳакам, Адлдир» деган сўзини айтади ва унинг саволига яна далиллар билан батафсил жавоб беради.

Абдулҳамид Кишкнинг қирқ йил мобайнида қилган ваъз-насиҳатларидан 2000 дан зиёди овозли тасмага ёзиб олинган бўлиб, ҳозирда телевидение, радио архивлари ва оиласининг шахсий архивида сақланади. У ваъз

вақтида араб тили қоидаларида мутлақо хато қилмас эди. Бу унинг тил қоидаларини қанчалик пухта ўзлаштирганини англатади. Шунинг учун ҳам унинг ваъзларини барча араб ўлкаларида бирдек тушуна оладилар ва севиб тинглайдилар.

Абдулҳамид Кишк фаолияти давомида жуда кўп синовларга дучор бўлади. У тухмат ва бўхтонлар туфайли кўзи ожиз бўлишига қарамай икки ярим йил умрини машаққат билан қамоқда ўтказди. Дард, алам ва тазйиқларнинг асари баданида ҳам анчагина из қолдирган эди. У 1982 йил масжидларда ваъз қилишдан тўхтаб, китоб ёзишга киришди. Унинг ёзган китоблари Қуръони Карим тафсири, фикҳ, тарих, одоб ахлоқ масаласи ва турли насихатларни ўз ичига олган бўлиб, сони 115 тага етади.

Абдулҳамид Кишкнинг ёзган машҳур китобларидан:

- «Фи рихабит тафсир»;
- «Фатово шаръийя»;
- «Фазлуз зикри вад дуа»;
- «Ҳасибу анфусакум қобла ан тухасабу»;
- «Соҳибур рисалатил узама»;
- «Маъал Мустофал ахяр»;
- «Риёзул жанна»;
- «Бинаун нуфус»;
- «Ҳаятул инсан»;
- «Шифаул қулуб» ва ҳоказо...

Абдулҳамид Кешк ахлоқи гўзал, қатъиятли, бойлик, мансабдан ўзини четга олган ибодатгўй эди. Унинг бир неча кароматлари ҳам зоҳир бўлган, кўзи ожиз ҳолда ваъз-насихатлар ва дарслардан ортиб шунча китобларни битиши ҳам айни кароматдир.

Абдулҳамид Кешкнинг ҳикматли сўзларидан:

«Замон мадрасадир. Устозлари кунлар ва тунлардир. Ҳар бир оқил киши унга қалб кўзи билан боқиши лозимдир».

«Нафс гўё бир идишдир. Уни бирор нарса тўлдирмаса, ҳаво(дунё орзу-ҳаваслари) эгаллаб олади».

«Дунё учун унда туришинг миқдорича амал қил. Охират учун унда боқий қолишинг миқдорига қараб амал қил. Жаннат учун унга бўлган иштиёқингга қараб амал қил. Жаҳаннамга сабринг етишига қараб амал қил».

«Иймон – қувват. Мунофиқлик – заифликдир».

«Исломиё жамият - худбинлик ва ўзини яхши кўриш эмас, балки муҳаббат ва атрофдагиларга ўз манфаатини кўзламай яхшилик қилиш устига қурилгандир».

Абдулҳамид Кешк 1965 йилда оила қурган. Унинг беш нафар ўғил ва уч қиз фарзанд кўрган. У бутун ҳаётини Ислום дини ривожини, мусулмонларнинг ҳар соҳада юксалишига бағишлади. Умрининг сўнги кунларигача сўзи, амали, ёзган китобдари билан дин хизматида бўлди ва ўзидан улкан садақани жория қолдирди.

Вафотидан аввал Жума куни аёли ва фарзандларига кўрган тушини айтиб беради. Тушида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ҳазрати Умар ибн Хаттобни кўрган ва у зот: «Умарга салом бергин» деганларида Абдулҳамид Кишк Ҳазрати Умар билан саломлашгач, ерга жонсиз йиқилган ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини ўз қўли билан ювган эдилар. Бу тушни эшитиб, аёли: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга «Кимки ёмон туш кўрса, уни бировга айтмасин» деб таълим берганлар, дейди. Абдулҳамид Кишкий «Бу тушни ёмон деб билишимни сенга ким айтди!? Аллоҳга қасамки, мен худди шундай иш бўлишини умид қиламан» дейди. Сўнгра одатдагидек, у жума намозига уйда таҳорат олиб, суннатини ўқиётганда, иккинчи ракаат саждасида олдиндан қилган дуолари ижобат бўлиб, сажда қилган ҳолда вафот этди. Бу кун милодий 1996 йил 6 декабрь, ҳижрий 1417 йил 25 Ражаб ойига тўғри келади.

Айтилишича, Абдулҳамид Кишк раҳматуллоҳи алайҳ вафотидан ўн уч йил ўтиб, қабрини яқинларидан бирининг жасадини қўйиш мақсадида очилган. Одатда Қоҳирада қабрни лаҳад қилиб ковланмайди. Балки, хона ёки ертўла шаклидаги қабр тоқчасига жасадни қўйиб атрофи қаттиқ беркитилади. Абдулҳамид Кешкнинг қўйилган жойи очилганда унинг жасади чиримаган, кафани бутун ҳолда бўлган. У ерда бирор бирор ҳашарот кўрилмаган, аксинча хушбўй ҳид таралиб турган.

Муҳаммад Зариф Муҳаммад Олим ўғли тайёрлади.